

Тошкент шаҳар
Юнусобод тумани ҳокимияти ҳузуридаги
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан
ўтказиш инспекцияси томонидан

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛДИ

2014 йил 30.10

Рўйхат рақами № 10-0240



“Ўзбектелеком” АК
акциядорларнинг навбатдан ташқари
умумий йиғилишида



**“O'ZBEKTELEKOM”
AKSIYADORLIK kompaniyasi**

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИР)

Тошкент – 2014

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (матн давомида - Компания), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Телекоммуникациялар соҳасида бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2000 йил 28 июндаги ПФ-2647-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 2000 йил 30 июндаги 253-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Компания чекланмаган муддатга тузилди.

1.3. Компания ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига ва мазкур Уставга риоя қилган ҳолда амалга оширади.

1.4. Компаниянинг тўлиқ фирма номи:

- ўзбек тилида: “O‘zbektelekom” aksiyadorlik kompaniyasi (лотин ёзуви асосида);
“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кирил ёзуви асосида);
- рус тилида: Акционерная компания “Узбектелеком”;
- инглиз тилида: Joint Stock Company “UZBEKTELECOM”.

Компаниянинг қисқартирилган фирма номи:

- ўзбек тилида: “O‘zbektelekom” АК (лотин ёзуви асосида);
“Ўзбектелеком” АК (кирил ёзуви асосида);
- рус тилида: АК “Узбектелеком”;
- инглиз тилида: JSC “UZBEKTELECOM”.

1.5. Компаниянинг жойлашган ери:

юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24 уй;

почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 28 А уй.

1.6. Компаниянинг электрон почта манзили: info@uztelecom.uz.

1.7. Компаниянинг расмий веб-сайти: www.uztelecom.uz.

1.8. Компания юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг Устав фондига (Устав капиталига) берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.9. Компания мустақил ва консолидациялаштирилган (жамланган) балансга эгадир, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўрнатилган тартибда банк ҳисобварақалари (валюта ва бошқа ҳисоб рақамлари) очишга ҳақлидир.

Компания ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин.

Компания ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Компания ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи интирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.10. Компания ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

Компания ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Давлат ва унинг органлари Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Компания ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.11. Компания филиаллар ташкил этишга ҳақли.

Филиал Компаниянинг алоҳида бўлинмаси бўлиб, у Компания жойлашган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки уларнинг бир қисмини, шу жумладан, ваколатхонанинг вазифаларини амалга оширади.

Компаниянинг филиаллари юридик шахс бўлмайди. Улар Компаниянинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида иш юритади. Компаниянинг филиалга бериб қўйилган мол-мулки компаниянинг балансида ҳисобга олинади.

Филиалларнинг раҳбарлари ижроия органи (бош директор) томонидан тайинланади ва ижроия органи (бош директор) томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

Филиаллар фаолияти учун жавобгарлик Компания зиммасида бўлади.

1.12. Компания акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе-хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

II. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ СОҲАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Компания тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир.

2.2. Компаниянинг асосий вазифалари қуйидагилар:

-маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро электралоқа, шу жумладан маълумотларни узатиш, шунингдек, телевидение ва радио дастурларини трансляция қилиш хизматларига бўлган талабни қондириш, улар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

-алоқа воситалари ва тармоқларини замонавийлаштириш ҳамда техник қайта жиҳозлаш, шу жумладан хорижий сармояларни кенг жалб этиш ва қўшма корxonалар ташкил қилиш, телекоммуникация тизимларини тузиш ва фаолият кўрсатиши соҳасидаги жаҳон ютуқларини жорий этиш асосида:

-телекоммуникациялар соҳасида бозор ислохотларини янада ривожлантириш, республика ахборот тизимларини жаҳон телекоммуникациялар ва ахборот тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;

-телекоммуникация воситалари фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

2.3. Компания қуйидаги фаолиятни амалга оширади:

-маҳаллий телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- халқаро телекоммуникация тармоқларни лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- кўчма радиотелефон алоқа тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- маълумотлар узатиш тармоқлари лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- телекоммуникациянинг мавжуд барча турлари ва янги жорий этилаётган истиқболли хизматларни кўрсатади, телекоммуникация соҳасидаги янги ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш;
- умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларининг замонавийлаштириш, ривожлантириш ва қайта куриш, давлат ва соҳавий дастурлари концепциясини, шунингдек соҳа тизимларини ривожлантириш ва қайта куриш бўйича лойиҳаларни ҳамда уларга техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- тармоқлардан биргаликда фойдаланиш ва тармоққа ўзаро уланиш, телекоммуникация хизматларини тақдим этиш бўйича услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ягона технологик жараёнда телекоммуникация хизматларини тақдим этувчи филиаллар ва бошқа корхоналар ўртасида ўзаро муносабатни мувофиқлаштириш;
- телекоммуникация универсал хизматлари тариф даражаларини ўзгартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасига тақдим қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси билан келишувга кўра телекоммуникациянинг айрим хизматларига тарифларни тасдиқлаш, шунингдек телекоммуникация хизматларга тарифларни белгилаш (бунга тартибга солувчи телекоммуникация хизматлари тарифлари кирмайди);
- хорижий операторлар билан шартномалар тузиш;
- хорижий алоқа маъмуриятлари ва операторлари билан ўзаро ҳисоб-китобларни, шу жумладан, транзит трафик ўтказиш хизматлари билан алмашиш, маҳаллий операторлар билан шаҳарлараро ва халқаро трафикнинг кира олиши ва ўтказишини таъминлаш йўлида шаҳарлараро ва халқаро алоқа каналлари ва трактларининг ижарага бериш ҳамда фойдаланувчилар билан VSAT кичик йўлдош станциялари орқали алоқани ташкил қилиш бўйича ишларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва хорижий телерадиокомпаниялар талабномалари бўйича бир маротабали телевизион узатишлар ташкил қилиш ва телевизион узатишлар бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- қарз ва кредитлар олиш ва бериш, ҳаракатдаги ва кўчмас мулк сотиб олиш, курилиш, телекоммуникациялар воситаларининг ижараси билан боғлиқ бўлган ҳам мустақил, ҳам улушли қатнашиш орқали, шу жумладан, чет эл компаниялари билан республика ҳудуди ва хорижда қонунга ҳилоф бўлмаган турли кўринишдаги битимларни амалга ошириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш, ҳам республикада, ҳам чет элларда ўтказиладиган кўргазмаларни, кенгашларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;
- Минтақавий Алоқа Ҳамдўстлиги (МАХ) операторлари Кенгаши аъзоси мажбуриятини бажариш;

-Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси орқали МАХ, Халқаро Электралоқа Иттифоқи ва телекоммуникациялар бўйича бошқа халқаро ташкилотлар билан ишлар ташкил қилиш;

-компьютер техникалари ва ахборот-коммуникация технология воситалари учун дастурий таъминотни амалга ошириш учун дастур ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, дастурий таъминотни сертификациялаш, ҳисоблаш техникаларини эксплуатация қилиш, таъмирлаш ва техник хизматлар кўрсатиш;

-ФВВнинг сигнал берувчи ускуналарини эксплуатация қилиш, монтаж ва лойиҳалаштириш, газ асбоб-ускуналарини эксплуатация қилиш, ёнгиндан сақлаш сигнализациялар, қўриқлаш, ҳамда ёнгинга қарши автоматик воситаларга техник хизматлар кўрсатиш, монтаж таъмирлаш, наладка ва шунингдек лойиҳалаштириш ва уларга боғлиқ ишларини амалга ошириш;

-автомобил транспортларида шаҳар, шаҳар атрофи йўналишлари, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда йўловчилар ҳамда юк ташиш хизматларини кўрсатиш;

-Компания ходимлари учун меҳмонхона, жисмоний соғломлаштириш, аҳолига оммавий овқатланиш ва маиший хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

-савдо ва воситачилик фаолияти кўрсатиш орқали Компания филиалларига ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга моддий-техник таъминотини ташкил этиш;

-қурилиш, реконструкция ва фуқаролик иншоотларини таъмирлаш;

-маркетинг ва реклама фаолиятларини амалга ошириш;

-хайрия фаолиятини амалга ошириш;

-товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш;

-Компания филиал ва корхоналари томонидан шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация хизматларини ўзаро кўрсатиш (трафиғи) ҳажмидан келиб чиқиб фоиз ставкалари (улуш)ни белгилаш;

-Компания тармоқ ресурсларидан фойдаланувчи телекоммуникация операторларига телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун ҳисобланган нарх (таксалар)ни белгилаш;

-телекоммуникация хизматларини кўрсатишда ягона технологик жараёнда иштирок этувчи Компания корхона ва филиаллари ўртасида фоиз ставкалари (улуш)дан келиб чиққан ҳолда маблағлар (даромад)нинг бир қисмини қайта тақсимлаш;

-улгурчи ва чакана савдо фаолиятини амалга ошириш.

Амалдаги қонунчиликда белгиланган махсус рухсатнома (лицензиялар) олиши талаб қилинадиган фаолият турлари билан, Компания бундай фаолиятни лицензиялар асосида амалга оширади.

Компания қонун ҳужжатларида ман этилмаган ва мазкур Уставда кўрсатилмаган исталган фаолият тури билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланиши мумкин.

III. КОМПАНИЯ УСТАВ ФОНДИНИНГ (УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ) МИҚДОРИ

3.1. Компания Устав фонди 37 729 606 482 (ўттиз етти миллиард етти юз йигирма тўққиз миллион олти юз олти минг тўрт юз саксон икки) сўмни ташкил қилади ва қуйидагича тақсимланади:

-давлат улуши - 45 фоиз ёки 16 978 323 090 (ўн олти миллиард тўққиз юз етмиш саккиз миллион уч юз йигирма уч минг тўқсон) сўм (14 712 585 дона акциялар);

-хорижий инвесторлар улуши - 49 фоиз ёки 18 487 506 980 (ўн саккиз миллиард тўрт юз саксон етти миллион беш юз олти минг тўққиз юз саксон) сўм (16 020 370 дона акция);

-юрдик ва жисмоний шахслар улуши - 6 фоиз ёки 2 263 776 412 (икки миллиард икки юз олти юз миллион етти юз етмиш олти минг тўрт юз ўн икки) сўм (1 961 678 дона акция).

3.2. Компания акцияларининг номинал қиймати 1 154 (бир минг бир юз эллик тўрт) сўмни ташкил қилади.

3.3. Компания Устав фонди умумий 32 694 633 (ўттиз икки миллион олти юз тўқсон тўрт минг олти юз ўттиз уч) донга хужжатсиз акцияларга бўлинган, шундан 31 579 649 (ўттиз бир миллион беш юз етмиш тўққиз минг олти юз қирик тўққиз) донга эгаси ёзилган оддий ва 1 114 984 (бир миллион бир юз ўн тўрт минг тўққиз юз саксон тўрт) донга эгаси ёзилган имтиёзли акцияларни ташкил қилади.

3.3. Компания томонидан бирламчи чиқарилган акциялар тўлиқ жойлаштирилган.

IV. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

4.1. Компания Устав фонди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан ёки акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Компания, агар илгари чиқарилган акциялар тўлиқ равишда номинал қийматида кам бўлмаган қийматда тўлиқ жойлаштирилган бўлса, Устав фондини оширишга ҳақлидир.

4.3. Компаниянинг Устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акциялар чиқариш йўли билан ошириш мумкин.

Компания Устав фондини ошириш (ҳар иккала ҳолатда ҳам) кузатув кенгаши қарори билан асосан амалга оширилади. Бунда Компания Устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишда қўшимча акциялар мазкур Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида чиқарилади.

Компания Уставига Устав фондини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар куйидаги тартибда киритилади:

қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширилганда Компания акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан;

акциялар номинал қиймати оширилганда Компания кузатув кенгаши қарори билан.

4.4. Устав фондининг оширилиши муносабати билан қўшимча тарзда чиқарилган акцияларга обуна бўлиш қонун хужжатларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Акциядорлар қўшимча чиқарилган акцияларни сотиб олишда қонунчилик билан белгиланган имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Компания Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча акцияларнинг ва эълон қилинган миқдорлари (улушлари) доирасида ҳар бир турдаги имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, қонунчиликка ва мазкур Уставга мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.

4.5. Компаниянинг қўшимча акциялари эълон қилинган акциялар миқдори доирасида жойлаштирилади.

4.6. Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш перти билан сотиб олиш йўли билан камайрилиши мумкин.

Компаниянинг Устав фондини камайтириш ва Уставга шу муносабат билан қўшимчалар ва ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарор амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ тарзда акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинади.

4.7. Компаниянинг жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштирилиши мумкин бўлган қўшимча (эълон қилинган) акциялар миқдори 45 000 000 (қирик беш миллион) донани ташкил қилади. Эълон қилинган акцияларнинг барчаси эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акциялар бўлиб, ҳар бирининг номинал қиймати 1 154 (бир минг бир юз эллик тўрт) сўмга тенг. Қўшимча чиқариладиган акцияларнинг тури (оддий ёки имтиёзли) акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

V. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Компаниянинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

5.2. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар акциялар номинал қийматининг 25 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади. Соф фойданинг камлиги ёки йўқлигида, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар захира фондидан тўланади.

5.3. Имтиёзли акциялар эгалари компания тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоли амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

5.4. Компания ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

5.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд компаниянинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

5.6. Компаниянинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

5.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.8. Компания молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Компаниянинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.9. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор компания кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Дивидендларнинг миқдори Компания кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

5.10. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.11. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Акциядорлар:

Компания акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

Компания фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Компания тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Компанияни бошқаришда иштирок этиш;

Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни - мазкур акциялар эгасини ушбу Қонунда белгиланган тартибда жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

6.2. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ Компания мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

6.3. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунида ва Компания Уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Компаниянинг имтиёзли акциялари уларнинг эгалари бўлган акциядорларга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради ва оддий акциялар билан бир хил номинал қийматга эга бўлади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида Компания Уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан, аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

Компания соф фойданинг бир қисмини имтиёзли акцияларнинг эгалари акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизига тенг миқдоридаги дивидендлар кўринишида олиши мумкин.

VII. КОМПАНИЯ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Компания бошқарув органлари:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- кузатув кенгаши;
- ижроия органи (бош директор).

VIII. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши компаниянинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугатганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг навбатдаги (ҳисобот) умумий йиғилишида Компаниянинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

8.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

-компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш;

-компанияни қайта ташкил этиш;

-компанияни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

-компания кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

-компаниянинг Устав капиталини кўпайтириш;

-компаниянинг Устав капиталини камайтириш;

-ўз акцияларини олиш;

-компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

-компания тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

-компаниянинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

-компаниянинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

-компания кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан компанияни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан компания кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

-компания томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

-акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

-акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

-акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

-акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

-компаниянинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

-қонунчиликда белгиланган ҳолларда Компания томонидан йирик битимлар ва компания аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар йиғилиш баённомаси имзоланган кундан икки иш кунидан кечиктирмай, шунингдек овоз бериш яқунлари ушбу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда акциядорлар эътиборига етказилади.

8.5. Компания акциядорлар умумий йиғилиши Компаниянинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

IX. КОМПАНИЯ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Компания кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Компания кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши томонидан мазкур Устав ва қонунчиликка асосан 1 йил муддатга сайланувчи 9 аъзодан иборат.

9.3. Компания кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар кирди:

-компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

-акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

-акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

-акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

-акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун компания акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

-компания Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки компаниянинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

-мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

-компаниянинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда компаниянинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси компания кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

-ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

-компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва компания кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

-аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

-компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

-дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

-компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

-компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

-компаниянинг шўба ва тобе хўжалик компанияларини ташкил этиш;

-акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали ёки эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Компания томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Компания Устав фондиди кўпайтириш;

-Компания Уставига компания Устав фондиди акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали кўпайтириш билан боғлиқ тегишли қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

-эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

-қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

-аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

-қонунчиликда белгиланган ҳолларда компания томонидан йирик битимлар ва компания аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

-компания бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

-компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

9.4. Компания кузатув кенгашининг раиси, кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

9.5. Компания кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йиғилишида раислик қилади. Компания кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини кузатув кенгашининг раиси ўринбосари, агар кузатув кенгаши раиси ўринбосари ҳам бўлмаган тақдирда, мажлисни кузатув кенгаши аъзолардан бири олиб боради. Кузатув кенгашининг раиси ўринбосари кузатув кенгаши аъзолари ичидан кўпчилик овоз билан сайланади.

9.6. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак. Компания кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания кузатув кенгашида овоз беришнинг бошқача тартиби кўзда тутилган бўлса, қарорлар ушбу тартиб асосида овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Компания кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Овозлар тенг бўлган ҳолатда кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган Компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардирлар.

Кузатув кенгаши мажлиси ҳамда унда қабул қилинган қарорлар кузатув кенгаши баённомаси кўринишида мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай расмийлаштирилади.

Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

9.7. Кузатув кенгаши ижроия органидан Компания фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни сўраш ҳуқуқига эга. Кузатув кенгаши ўз аъзоларидан бирига текширув бўйича мажбуриятни юклаши ёки баъзи бир масалаларни аниқлаш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

9.8. Кузатув кенгашининг фаолияти амалдаги қонунчилик асосида, Устав ва Компаниянинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлаган Низом томонидан тартибга солинади.

9.9. Компания Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чорақда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Компания кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

X. КОМПАНИЯНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарликни бош директор яккабошчилик асосида амалга оширади. У компаниянинг бутун фаолияти учун жавобгар ҳисобланади ва акциядорларнинг умумий йиғилишига компаниянинг фаолияти яқунлари тўғрисида йиллик ҳисоботни тақдим этади.

10.2. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Бош директор билан тузиладиган меҳнат шартномасини кузатув кенгаши раиси имзолайди.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланадиган бош директор ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, компания кузатув кенгашининг қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

10.3. Компания бош директор ваколатига компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.4. Бош директор акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларини бажарилишини ташкил этади. Бош директор акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.5. Компания бош директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари):

- компания номидан ишончномасиз иш юритиш;
- компаниянинг манфаатларини ифодалаш,
- компания номидан ўз ваколатлари дорасида битимлар тузиш;
- компаниянинг филиали таркибида бўлинмасини ташкил этиш;
- компаниянинг филиал ёки корхона раҳбарини, ўринбосарларини, бош бухгалтерини ҳамда бўлинмаси бошлиғини тайинлаш;

- компания штат жадвалини тасдиқлаш, компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш тартибини белгилаш, компаниянинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, меҳнат шартномаси ва компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар).

- компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- мазкур Уставда тақдим этилган ҳуқуқлар доирасида қарорлар қабул қилади, буйруқлар, фармойишлар чиқаради, ишончномалар беради, битимлар, шартномалар, контрактлар тузади, ҳисоб варақлари ва тўлов топшириқномаларини ва Компания ҳисоботларини имзолаш;

10.6. Компания бош директорнинг мажбуриятлари:

- компаниянинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва компания аудитори талабига кўра қонунчиликда белгиланган тартибда компания ҳужжатларини тақдим этиш;

- компаниянинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

-дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳуқуқларига риоя қилиш;

-ўз ваколатлари доирасида компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикаси қонун ва қонун ости ҳужжатларига ҳамда компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

-қонун ҳужжатлари, мазкур Устав, меҳнат шартномаси ва компаниянинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятлар.

10.7. Компаниянинг бош директориға тўланадиган ҳақ миқдори компания фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

10.8. Кузатув кенгаши компания бош директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

10.9. Компания кузатув кенгаши компаниянинг бош директори билан тузилган шартномани, агар у компания Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли компанияга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

10.10. Компания кузатув кенгаши томонидан компания бош директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, компания бош директори ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша мажлисининг ўзида ҳал этилиши ёхуд компания бош директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда кузатув кенгашининг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

10.11. Бош директор мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи тўғрисида"ги Низом асосида иш олиб боради.

XI. КОМПАНИЯНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

11.1. Компаниянинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади. Тафтиш комиссияси аъзолари 3 (уч) кишидан иборат бўлиб, улар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланадилар. Айни бир шахс айни бир компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

11.2. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

11.3. Компания тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Компания ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар компаниянинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

11.4. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

-Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

11.5. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

11.6. Тафтиш комиссияси компанияда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чорақда компания кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 11.4. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

Тафтиш комиссияси ўз фаолиятини мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

11.7. Компания ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.8. Компаниянинг ички аудит хизмати компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва корхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, компания Уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қондалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали компаниянинг ижроия органи, филиаллари ва корхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда Компания кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Ички аудит тўғрисида”ги низомга мувофиқ амалга оширади.

11.9. Аудиторлик ташкилоти компания билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда компания молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.

Аудиторлик ташкилоти компаниянинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун компания олдида жавобгар бўлади.

ХП. КОМПАНИЯ ФОНДЛАРИ

12.1. Компания қуйидаги фондларни тузади:

- захира фонди;
- сармоялаш фонди;
- модернизация ва янги технологиялар фонди;
- акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланувчи, компания фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар.

12.2. Захира фонди Компания Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизига тенг миқдорда шакллантирилади. Компаниянинг захира фонди компания Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизига етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан унинг 5 (беш) фоиз миқдоридagi мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади.

Захира фонди компания Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизига тенг миқдорда шаклланиб бўлгандан сўнг акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан захира фондига компания Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизидан ортиқ суммани ташкил қилишига олиб келувчи қўшимча маблағлар йўналтирилиши мумкин.

12.3. Компаниянинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, компания облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

12.4. Захира фонди бутунлай ёки қисман сарф қилинган ҳолларда, мажбурий маблағ ажратишлар қайтадан бошланади.

12.5. Компаниянинг сармоялаш фонди Устав фондининг 30 (ўттиз) фоизига тенг миқдорда шаклантирилади ва қуйидагилар учун мўлжалланган:

- илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш;
- янги технологияларни ривожлантириш ва татбиқ этишни сармоялаш;
- лизинг операцияларини амалга ошириш;
- филиалларга молиявий ёрдам кўрсатиш;
- хўжалик ҳисобидаги корхоналар улушларига, кўчмас мулк ва қимматбаҳо қоғозларга инвестицияларни амалга ошириш.

12.6. Компания сармоялаш фондига йиллик соф фойданинг 5 (беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда, мазкур Уставнинг 12.5. бандида кўрсатилган миқдорга еткунга қадар, ҳар йилги мажбурий маблағ ажратмаларини амалга оширади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ компания сармоялаш фондига 30 фоизидан юқори миқдоргача ажратмалар йўналтирилиши мумкин.

12.7. Сармоялаш фонди бутунлай ёки қисман сарф қилинган ҳолларда, мажбурий маблағ ажратишлар қайтадан бошланади.

12.8. Модернизация ва янги технологиялар фондининг шаклантириш тартиби ва манбалари, фондининг миқдори, унинг маблағларидан фойдаланиш мақсадлари ва ушбу фонд билан боғлиқ бошқа тартиб-қоидалар кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Модернизация ва янги технологиялар фонди тўғрисида”ги Низомда белгиланади.

XIII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

13.1. Компания қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади.

13.2. Компанияда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик компания ижроия органининг зиммасида бўлади.

13.3. Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари компания ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.4. Компаниянинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

14.1. Акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, шунингдек акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Компания Устави ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб кучга киради. Агар Компания Уставида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалардан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, унда қонунчиликда белгиланган қоидалар қўлланилади.

15.2. Мазкур Уставда кўрсатиб ўтилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Баш директор. *Б.А. Абдулмушов* *Ибра-*

раҳим Абдурахмонов

29.10.2014